



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

4 (78) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

4 (78)

2025

апрель

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.03.2025, Accepted: 06.04.2025, Published: 10.04.2025

UDK 614.7-628.1.032(575.121):613.31

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАН ЧИҚАЁТГАН ИФЛОСЛОВЧИ ОМИЛНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАРҚАЛИШИ ВА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Каршиева Диловар Рустамовна <https://orcid.org/0009-0002-4850-0074>

E-mail: karshiyeva.dilovar@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ушбу мақолада саноат корхоналаридан чиқаётган ифлословчи омилнинг атрофга тарқалиш табиатини аниқлаш учун дунё томонлари бўйлаб йил фасллари ҳисобга олган ҳолда манбага нисбатан ҳар хил масофаларда олиш тавсия этилади. Бунда ҳар бир нуқтадан бир вақтнинг ўзида кам деганда 3 та намуна олинади, лекин бу ҳолда олинган натижанинг энг катта миқдори ҳисобга олинади. Атмосфера ҳавосининг тозалигини мунтазам назорат қилиш учун кузатиш нуқталари шаҳарнинг бир неча пунктларига ўрнатилади, шаҳардаги корхоналар энг кўп жойлашган аҳоли яшаш минтақасида, ифлословчи корхона сони нисбатан кам минтақада ва саноат корхоналари умуман бўлмаган аҳоли яшаш минтақасида ўрнатилади.

Калит сўзлар: Полежаев, Зайцев газ пипеткалари, колориметрлаш усули, индикатор кукунлари, симоб буги, қаттиқ сорбент.

РАСПРОСТРАНЕНИЕ ЗАГРЯЗНИТЕЛЕЙ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И МЕТОДЫ КОНТРОЛЯ

Каршиева Диловар Рустамовна <https://orcid.org/0009-0002-4850-0074>

E-mail: karshiyeva.dilovar@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В данной статье для определения характера выброса загрязняющего вещества промышленными предприятиями рекомендуется принимать его на разных расстояниях от источника с учетом времен года по всему миру. При этом из каждой точки одновременно отбирается не менее 3 проб, но при этом учитывается наибольшее количество полученного результата. Пункты мониторинга для регулярного контроля чистоты атмосферного воздуха установлены в нескольких точках города: в жилом массиве с наибольшим количеством предприятий города, в районе с относительно небольшим количеством предприятий-загрязнителей и в жилом массиве, где промышленные предприятия отсутствуют вообще.

Ключевые слова: Газовые пипетки Полежаева, Зайцева, метод колориметрии, индикаторный порошок, пары ртути, твердый сорбент.

DISTRIBUTION OF POLLUTANTS FROM INDUSTRIAL ENTERPRISES INTO THE ENVIRONMENT AND METHODS OF CHECKING

Karshiyeva Dilovar Rustamovna <https://orcid.org/0009-0002-4850-0074>

E-mail: karshiyeva.dilovar@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

In this article, it is recommended to take samples from industrial enterprises at different distances from the source, taking into account the seasons, in order to determine the nature of the dispersion of pollutants in the environment. In this case, at least 3 samples are taken from each point at the same time, but in this case, the largest number of results obtained is taken into account. For regular monitoring of the cleanliness of the air, monitoring points are installed at several points in the city, in the residential area where the largest number of enterprises is located in the city, in the area where the number of polluting enterprises is relatively small, and in the residential area where there are no industrial enterprises at all.

Key words: Polejaev, Zaitsev gas pipettes, colorimetry method, indicator powder, mercury vapor, solid sorbent.

Долзарблиги

Республиканинг самарали ва барқарор ижтимоий - иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида сўнги йилларда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим асоси сифатида аҳоли саломатлиги учун мақбул шароитларни яратиш ва экологик мувозанатни сақлашни такомиллаштиришга йўналтирилган чуқур ислохатлар олиб борилмоқда. Бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири атмосфера ҳавосини тоза сақлашдир. Олимларнинг тадқиқотларига кўра Ер куրрасида кишиларнинг ҳўжалик фаолиятига боғлиқ ҳолда атмосферага ҳар йили 500 млн. тонна атрофида олтингугурт газ, сульфид оксиди, азот оксиди ва бошқа ифлослантирувчи моддалар чиқарилмоқда [1].

Маълумотларга кўра бизнинг давримизга келиб атмосфера таркибидаги чанглр микдори ўтган XX асрга нисбатан 20 % га ошган. Америка Қўшма штатлари атроф-муҳитни ҳимоя қилиш агентлиги маълумотларига кўра, одамлар сиҳат-саломатлигига ҳавф туғдирувчи заҳарли моддаларнинг аксарияти, шу жумладан углерод оксидининг 85–97 фоизи, углеводороднинг 55–75 фоизи ва азотнинг 46–63 фоизи мамлакат аҳолисининг ярмидан кўп қисми яшайдиган шаҳарлардаги мавжуд автотранспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар ҳисобига ҳосил бўлади [3]. Атроф муҳитнинг ифлосланиши асосан саноат ривожланган мамлакатларда кўпроқ содир бўлмоқда саноат корхоналари чиқиндиларининг атмосфера ҳавосига чиқариб ташланишидан ҳосил бўладиган кислотали ёмғирлар қарийиб барча аҳоли яшаш минтақаларини қамраб олмоқда. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчиларни санитар баҳолаш катта аҳамиятга эга, чунки ифлосланиш нафас олиш ҳавоси орқали организмга тушади. Атмосфера ҳавосини ифлосланишини қуйдаги қатор ноҳуш таъсир асоратлари билан кузатиш мумкин: ўсимлик дунёсини шикастланиши, атмосферани мусавффолиги туманли кунларининг кўпайиши, бинолар ва уй жиҳозларининг сифатини бузулиши, кимёвий реакциялар натижасида метал каррозиялари, шу билан бир қаторда аҳоли саломатлигига ноҳуш таъсири қилиши мумкин. Маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, саноати ривожланган шаҳарларда катта ёшдаги аҳоли ва болалар ўртасида нафас олиш органлари касалликлари энг биринчи ўринда (30 дан 80 % гача) туради, кейинги иккинчи ўринда (9–12 %) тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари, учинчи ўринда ўрта қулоқнинг йирингсиз отити, эшитиш трубаси касалликлари (2–3 %), қон касалликлари (2–3 %) эгаллайди. Катта ёшдаги аҳоли ўртасида эса иккинчи ўринни овқат ҳазм қилиш системаси касалликлари (7–10 %), учинчи ўринда буйрак, жинсий орган касалликлари (5–7 %) ҳамда тўртинчи ўринда гипертония ва юракнинг ишемик касалликлари (5–6 %) эгаллайди [1, 4].

У ёки бу газнинг концентрациясини саноат корхоналаридан чиқариладиган чиқиндилар ифлосланган ҳавонинг атмосфера ҳавосини ифлослашини ўрганишда заҳарли моддаларнинг бир маротабали максимал ва ўртача бир кунлик концентрациялари аниқланади. Биринчи ҳолда ифлословчи манбага нисбатан шамолнинг қайси тарафдан йўналиши ҳисобга олиб, энг кучли ифлосланиш кузатилган вақтда кам деганда 25 та намуна олиш керак бўлади. Намуна олиш вақти 15–20 дақиқа вақтни талаб этади. Ифлослаш манбаидан узоқлашган сари (100, 200, 500, 1000, 3000, 5000 м) намуна олиш вақти 30–40 дақиқагача узайтирилиши мумкин [1, 3].

Саноат корхоналаридан чиқаётган ифлословчи омилнинг атрофга тарқалиш табиатини аниқлаш учун дунё томонлари бўйлаб йил фасллари ҳисобга олган ҳолда манбага нисбатан ҳар хил масофаларда олиш тавсия этилади. Бунда ҳар бир нуқтадан бир вақтнинг ўзида кам деганда 3 та намуна олинади, лекин бу ҳолда олинган натижанинг энг катта микдори ҳисобга олинади.

Тадқиқотнинг мақсади: Атмосфера ҳавоси таркибидаги захарли кимёвий моддаларни текширишда энг мақбул текшириш усуллари танлаш, текшириладиган аралашмаларнинг табиатига, уларнинг концентрациясига қараб гигиеник текширувни амалга ошириш.

Тадқиқот материал ва усули

Атмосфера ҳавосининг тозалигини мунтазам назорат қилиш учун кузатиш нукталари шаҳарнинг бир неча пунктларига ўрнатилади, шаҳардаги корхоналар энг кўп жойлашган аҳоли яшаш минтақасида, ифлословчи корхона сони нисбатан кам минтақада ва саноат корхоналари умуман бўлмаган аҳоли яшаш минтақасида ўрнатилади [3,5].

Намуналар бир кун давомида атмосфера ҳавосини бетўхтов аспирация қилиш йўли билан ёки вақти-вақти билан бир кун давомида 12 та намуна олиш йўли билан бажарилиб, кунлик ўртача концентрация ҳисоблаб топилади. Кузатиш кунларининг сони йилнинг ҳар фаслида 10 тадан кам бўлмаслиги керак.

Намуна олиш усули турлича бўлиб, у ўтказиладиган текширишнинг хусусиятига ва унинг учун керак бўладиган ҳаво миқдорига боғлиқ.

Катта бўлмаган ҳажмдаги ҳаво намуналарини (200-250 мл) махсус газ пипеткалари (Полежаев, Зайцев газ пипеткалари) га олиш мумкин, бу пипеткалар икки томонлама икки йўлли жўмраклар билан жиҳозланган. Газ пипеткасига ҳаво намунасини олиш учун аввал пипетка орқали резина пушлагич ёрдамида бир неча марта шу ҳаво ўтказилади, сўнгра юқори жўмрак очиқ турган ҳолда пипетка текширилувчи ҳаво билан тўлдирилади. Резина пушлагич ўрнида суюқлик тўлдирилган тенглаштирувчи шиша идишлардан ҳам фойдаланиш мумкин[4,6].

Катта ҳажмдаги ҳаво намуналарини олиш учун даражаланган идишлардан (10-15-20 л) фойдаланилади. Бунинг учун идишга аввал сув тўлдирилади ва оғзи очиқ ҳолда идиш пастидаги жўмракдан сувни оқизиш орқали, идишга текширилувчи ҳаво намунаси олинади.

Сув бўлмаган тақдирда шиша идишларга текширилувчи ҳаво босқон ёрдамида олинishi мумкин. Бундан ташқари ҳаво намуналарини деворларига резина шимдирилган махсус қопчаларга олиш мумкин. Айрим ҳолатларда ҳаво намунасининг кимёвий таркибини текшириш учун қўлланиладиган асбобларнинг қабул қилиш қисмига шу моддаларни ўзига ютиши мумкин бўлган кимёвий сорбент орқали ўтказиш усулини қўллаш мумкин.

Ҳаво таркибидаги захарли кимёвий моддаларни текшириш усуллари.

Энг мақбул текшириш усуллари танлаш, текшириладиган аралашмаларнинг табиатига, уларнинг концентрацияларига ва текшириш мақсадига қараб белгиланади. Ҳаво муҳити таркибида бўладиган зарарли моддаларни аниқлаш учун ўзига шу моддаларни ютувчи эритмалардан, вакумли идишлардан, шишасимон шиприцлардан ва каттик сорбентлардан кенг фойдаланилади.

Текшириш усуллари ишлаб чиқилишига асос бўлувчи принциплари ва текшириш техникаси бўйича улар 3 гуруҳга бўлинади.

1. Стандарт шкалалар бўйича эритмаларни колориметрлаш усули (айрим ҳолатларда қўлланилади)
2. Реактив қоғозлар ёрдамида колориметрлаш (статик ёки динамик усуллар)
3. Колориметрлашдаги чизикли колориметрик усуллар бўлиб, бунда индикатор кукунларини қўллаш орқали текшириш ўтказилади.

Реактив қоғозлар ёрдамида ҳаводаги зарарли моддаларнинг миқдорини аниқлаш ва рўёбга чиқаришдаги тезкор усуллар иккинчи гуруҳга кириб, текширилувчи модда таъсирида қоғоздаги рангнинг ўзгаришига асосланган. Статик усулда модданинг концентрациясини аниқлаш учун реактив қоғоз тасмасини текширилувчи ҳавога осиб қўяди. Ҳавода осилган муддат (экспозиция) ни ҳисобга қоғоз рангининг ўзгаришигача кетган вақтга қараб модданинг концентрацияси аниқланади. Динамик усулда эса, текширилувчи ҳаво маълум тезликда реактив қоғоз тасмаси солинган найча бўйича ўтказилади. Бунда модданинг концентрациясини қоғоз тасмасининг ранг ўзгариш узунлигига қараб ёки ранг ўзгаришининг жадаллигига қараб аниқланади. Рангнинг жадаллигини, қалин филтёр қоғозида сунъий ҳосил қилинган стандарт доғларга таққослаш орқали бажарилади. Агар реактив қоғоздаги ранг ўзгармас бўлса у ҳолда табиий стандарт шкалалардан фойдаланилади. Бундай стандарт шкалани тайёрлаш учун текширилувчи модданинг олдиндан аниқ концентрацияси таъсирига учратиш орқали олиш мумкин[1,5].

Келтирилган усулларга мисол сифатида ҳаводаги симоб буғларини аниқлашни келтириш мумкин. Симоб буғларининг ҳаводаги рухсат этиладиган концентрацияси 0.01 мг/м³ га тенг. Ҳаводаги симоб буғларини аниқлаш учун қуруқ реактив қоғозлардан фойдаланилади. Бу қоғозларни ишлаб чиқаришнинг турли жойларига ўрнатиш керак. Агар ҳавода симоб буғлари бор бўлса қоғознинг ранги кизил крем рангидан сариқ-пушти рангача ўзгариши мумкин. Реактив қоғозларни иш жойларига

осиб, крем рангининг сариқ-пушти рангга ўтгунча сарфланган вақти белгиланади. Ранг ўзгариш вақтига қараб, ҳаводаги симоб буғларининг тахминий концентрациясини аниқлаш мумкин. Қоғоздаги рангнинг ўзгариши бошланишини ҳисобга олиб, унинг тўлиқ сариқ-пушти рангга ўтиши орасидаги вақтга қараб, ҳаводаги симоб буғининг миқдори топилади[2,6].

Натижа ва таҳлиллар

Реактив қоғозларни тайёрлаш учун 10% калий йодиди ва 10% мис сульфати эритмасининг тенг ҳажмда аралаштирилади. Ҳосил бўлган чўкмани 2-3 марта дистилланган сув билан ювилади, сўнгра 1% калий йодид эритмаси ва 1% ли натрий сульфат эритмалари билан ювилади ва яна сув билан ювилади. Чўкмани кичкина стаканга олинад ва унга ярим суюқ паста ҳосил бўлгунча озгинадан этил спирти қўшилади. Ҳосил бўлган пастани пахта тампони ёки чўтка ёрдамида филтёр қоғознинг бир томонига суртилади. Қоғозни хона ҳароратида қуритилади.

Мукаммал санитария текширувини ўтказишни, қайдномани ёзишни ҳамда соғломлаштириш чора – тадбирларни ишлаб чиқишни ўрганишдан иборат. Мукаммал санитария текшируви 3-кварталнинг охири ва 4-кварталнинг бошида ўтказилади. Мукаммал санитария текшируви давомида, олинган барча маълумотлар албатта лаборатория текширувлари асосида, маълум инструментал текширув ўлчов асбоблари асосида олинган маълумотларга асосланади.

Баъзи бир эҳтиёжли шароитларда (муаммоли вазиятлар пайдо бўлганда, санитария эпидемиология вазиятлари ёмонлашганда ва бошқалар) мукаммал санитария текшируви ўтказиш мақсадида ДСЭНМнинг бошқа бўлим шифокорлари, баъзи бир тор мутахасизлар ва ушбу текширувга таалуқли бўлган ташкилотларнинг (ҳокимият, санитар милицияси, коммунал хўжаликлар ва бошқа) ходимлари жалб қилинади.

Олинган маълумотлар 4 қисмдан иборат бўлган далолатномада акс эттирилади. Далолатномада кўрсатилган таклифлар асосида режали вазифалар тузилади ва синовли текширувлар ўтказилади. Синовли текширувларни асосий мақсади мукаммал санитар текшируви далолатномасида кўрсатилаган таклифларнинг қачон ва қандай бажарилганлиги ва уларнинг самарадорлигини белгилашдан иборат.

Ишлаб чиқариш объектларида санитария текшируви ўтказилганда бажариладиган ишлар маълум бир босқичларда олиб борилиши лозим.

Мукаммал санитария текширувининг босқичлари.

1. Техник жараёнини ўрганиш (хом ашё, техник мосламалар, бажариладиган иш, ишни ташкил қилиш, таъсир этувчи омилларни белгилаш, соғломлаштириш чора-тадбирларини аниқлаш).

2. Лаборатория – асбоб ускуналар ёрдамида таъсир этувчи омилларни миқдорини (даражасини) аниқлаш.

3. Ёзма таърифлаш (ҳудуд, цехлар, ёрдамчи хоналар).

4. Олинган маълумотларга гигиеник баҳо бериш (амалдаги қонун-қоида, меъёрлар, йўриқномалар билан солиштириш йўли билан).

5. Соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш (зарур бўлганда ИТХ, ДСЭНМ шифокорлари билан биргаликда техник-технологик, санитар-техник, тиббий профилактик йўналиш бўйича).

6. Чора-тадбирларни бажариш муддатларини келишиш (корхона маъмурияти билан, режа-топшириқ тузиш орқали).

7. Қайднома ёзиш (2 нусхада).

8. Кўрсатмалар бажарилиш устидан назорат.

Мукаммал санитария текшируви якунлангандан сўнг олинган маълумотларга асосланиб, соғломлаштириш чора-тадбирларни ишлаб чиқилади, корхонадаги баъзи муаммоли масалаларни ҳал этиш йўллари санитар-гигиеник нуқтаи-назардан ечими кўрсатилади, корхоналарни санитар-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш бўйича техник, санитар-техник, тиббий профилактик чоралар белгиланади.

Корхона учун санитар паспорт тузишда ёки уларни янгилашда, аҳолининг шикоятларини ўрганишда ва бошқа ҳолатларда мукаммал санитар текшируви маълумотларидан фойдаланилади.

Мукаммал санитария текширув босқичлари.

1. Технологик жараёнини ўрганиш;

2. Лаборатор асбоб-ускуналар ёрдамида олинган миқдорни аниқлаш;

3. Ёзма таърифлаш;

4. Олинган натижаларга гигиеник баҳо бериш;

5. Соғломлаштириш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш;

6. Чора-тадбирларни бажариш муддатларини келишиш;
7. Далолатнома ёзиш;
8. Кўрсатмаларни бажарилиши устидан назорат олиб бориш.

Хулоса

2022 йилда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини баҳолаш мақсадида 2560 та олинган ҳаво намуналари куйидаги кўрсаткичлар бўйича текширилди: чанг, олтингугурт IV оксиди, углевод оксиди, азот оксиди, водород сульфид, формальдегид, сульфат кислотаси. Ушбу йилда жами 2560 та ҳаво намунаси олинди, улардан 310 таси (12,1 %) гигиеник талабларга жавоб бермади, уларнинг барчасини чанг ташкил этди, яъни чангга олинган намуналарнинг умумий сони — 900 тани ташкил этди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аверьянов В. Н. Гигиеническая оценка влияния окружающей среды на состояние здоровья населения промышленного города в условиях страховой медицины // Гигиена и санитария. — 2003. — № 2. — С. 11 —15.
2. Атанязова Р. А. Влияние загрязнения атмосферного воздуха на состояние здоровья детей дошкольного возраста // Гигиена и санитария. — 2008. — № 2. — С. 87 —89. Ахмедова М. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалардан муҳофаза қилиш // Экология хабарномаси. — 2019. — № 6. — С. 35–38.
3. Бактыбаева З. Б. и др. Оценка воздействия нефтеперерабатывающей и нефтехимической промышленности на эколого-гигиеническое состояние объектов окружающей среды и здоровье населения (обзор литературы) // Медицина труда и экология человека. — 2018. — №. 4 (16). — С. 12-26
4. Бакиров А. Б. и др. Санитарно-гигиеническая характеристика горнорудных территорий и оценка риска здоровью населения от воздействия неблагоприятных факторов окружающей среды // Медицина труда и экология человека. — 2018. — №. 1 (13). — С. 5-12
5. Вертинский А. П. Современные методы очистки сточных вод: особенности применения и проблематика // Инновации и инвестиции. — 2019. — №. 1. — С. 175-182
6. Вихрева Д. Р., Гамазина Д. Д. Санитарно-гигиеническая оценка использования сточных вод на орошение // Ответственный редактор. — 2015. — С. 214
7. Ганин Д. А., Белозубова Н. Ю. Анализ химических и физических методов обеззараживания сточных вод // Рациональная эксплуатация биоресурсов: проблемы и возможности в контексте Целей Устойчивого Развития ООН. — 2018. — С. 99-108
8. Григорьев М. В. Основные методы обеззараживания городских сточных вод // Актуальные проблемы строительства, ЖКХ и техносферной безопасности. — 2020. — С. 153-155
9. Karshiyeva D.R. Research methods used to investigate changes in the oral cavity in smokers // New Day in Medicine. - Bukhara, 2023. - № 5 (55). — С.331-335
10. Karshiyeva D.R. Changes in the organs and tissues of the oral cavity of people who smoke tobacco // Journal of humanities natural sciences. - Tashkent, 2023. - № 1 (06). — С.145-149
11. Karshiyeva D.R. Clinical interpretation of the study of the negative effects of tobacco on the human body // New Day in Medicine. - Bukhara, 2023. - № 8 (58). — С.9-12
<https://newdayworldmedicine.com/en/article/2141>
12. Karshiyeva D.R. The effect of tobacco smoking on the organs and tissues of the oral cavity // World Bulletin of Public Health. Berlin, Germany 2023, № 19. — P. 216-220
13. Karshiyeva D.R. Results of a Clinical Study on the Dental Status of Tobacco Smokers, Clinical and Dental Examination Results // American Journal of Medicine and Medical Sciences. - USA, 2023. - №13 (6). — P. 801-805
14. Karshiyeva D.R. Changes in the oral cavity, the state of periodontal tissues in smokers // Eurasian Medical Research Periodical. — Belgium, 2023. - Volume 18, №6. — P. 129-135.
15. Шеркузиева Г. Ф., Утепова Н. Б., Бегматов Б. И., Садикова Н. А., Ганиев Х. А. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ҳолатини гигиеник баҳолаш // Интернаука. — 2019. — № 3(85). — Часть 3. — С. 46–48.
16. Шеркузиева, Г. Ф. Атмосфера ҳавосини чанг билан ифлосланиш ҳолатини гигиеник баҳолаш / Г. Ф. Шеркузиева, Н. Р. Самигова, М. В. Рустамова, У. А. Хаджаева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 52 (290). — С. 466-469. — URL: <https://moluch.ru/archive/290/65856/>.

Поступила 20.03.2025